11.40 Керлинг. Женщины.  
12.45 Лыжные гонки.  
14.00 Лыжное двоеборье.  
15.10 Хоккей. Женщины.  
Финал.  
17.00 Фристайл. Мужчины.  
18.25 Лыжные гонки.

**Шанба**

05.00,21.00 Зимние Олим-  
пийские игры.  
10.30,20.15 Дневник Зим-  
них Олимпийских игр.  
11.15,18.00 «Вести.ru»

11.25,18.10 «Вести-  
Спорт»  
11.40 Сноуборд.  
13.15 Бобслей. Четверки.  
14.45 18.25 Хоккей.  
16.35 Биатлон. Мужчины.

**Якшанба**

05.00,23.00 Зимние  
Олимпийские игры.  
10.30 Дневник Зимних  
Олимпийских игр.  
11.15,18.00 «Вести.ru»  
11.25,18.10 «Вести-  
Спорт»  
11.40 Сноуборд.  
Мужчины.  
13.00 Горнолыжный  
спорт.  
14.00 Конькобежный  
спорт.  
15.00 Лыжные гонки  
16.30 Бобслей.  
18.25 Хоккей. Мужчины.  
20.25 Лыжные гонки.



(Давоми.)

Аввали ўтган сонда.)

XXI ASR TECHNOLOGIYALARI

MOBIL ALOQA

Intel корпорацияси синондан ўтказётган Health Guide PHS6000 ахборот йиғиш ва уларга ишлов бериш қурилмаларидан бири ҳисобланади. Видеокамера ўрнатилиб, интернетга уланилса бас, шифокор билан боғланилади – у олдиндан олинган маълумотлар асосида беморнинг ҳолатини баҳолайди ва ўзаро мулоқот давомида яқуний тўхтамга келади, ҳуллас, одатдаги поликлиникалардаги сингари жараён фақат онлайн тарзда амалга ошади.



## “Рақамли” тиббиёт

Эътиборли томони, жараёнда шифокорнинг ўз ишонасида ёки ҳатто ўзи яшайдиган шаҳарда бўлиши ҳам талаб этилмаслиғидир.

Ҳозирча PHS6000 фақат АҚШ ва Буюк Британияда ўз мижозларига эга. Тўғрироғи, улар жисмоний шахслар эмас, балки корпоратив мижозлар, масалан, шифохоналар. Клиникалар бу қурилмани харид қилишади ва жарроҳлик амалиётидан сўнг соғлиғини тиклаётган ёки сурункали касалликдан азият чекаётган инсонларнинг ҳонадонларига бу қурилмаларни ўрнатиб беришади. Ўз навбатида, шифохоналарда жойлар бандлиги мумноси ҳал этилади, барча касаллар кераклича қаровга олинади.



Cisco, Intel ва IBMнинг бу жараёндаги ўрни аниқ – юқорида айтилган инфратузилмани барпо этишда айнан улар иштирок этади. Яъни PHS6000га ўхшаш маиший ахборот қайд этигчиларидан тортиб, клиникалар серверлари, лабораториялар, дори-дармон ишлаб чиқарувчи компаниялар ва ҳоказоларни жамлаган ягона ахборот технологиялари тизimini яратиш ишларини “ипидан-игнасигача” бу компаниялар ўз зиммаларига олади. Инсон саломатлиги ҳақидаги ахборот тўлиқ ва тезкор олиниши йўлга қўйилгач, ҳатто аксарият шифокорларга ҳам маълум бўлмаган камёб дори-дармонларни муайян беморларга бемалол таъсира этиш имконияти туғилади.

Microsoft корпорацияси “рақамли саломатлик” жамаиётида дастлабки маълумотларни йиғиш ва сақлаш, кейинчалик уларни шифокорлар ва тиббиёт қурилмаларига фойдаланиши учун глобал тармоққа узатиш вазифасини бажариши кутиляпти. 2007 йили компания HealthVault сервисининг бета-версиясини ишга ту-

ширганди. Ҳозирча фойдаланувчиларнинг ўзлари тиббиёт маълумотномаларини унга киритишмоқда.

Синов босқичида фаолият кўрсатётган сервис бепул бўлиб, ундан асосан АҚШ фуқаролари фойдаланишяпти – хизмат соғлиқни сақлаш тизимининг ўнлаб компания ва ташкилотлари ҳамда касалхоналарда йўлга қўйилган. Бунинг натижаси клиника ва суурта компанияларидан яқка тартибдаги тавсиялар, HealthVaultга боғланган сайтлардан маслаҳатлар олишда, ўзларига мос дори-дармонлар синовларида қатнашишга тақлифномаларда кўринаяпти.

Келгусида қон таркибидаги қанд моддасини аниқловчи қурилмалар ёки HealthVault сингари сервислар ёнига беморларнинг генини ўрганувчи ихтисосликларнинг рақамли шакли қўшилса ҳеч ажабланмаймиз. Айнан бу бордада изланиш олиб бораётган Google компанияси HealthVault ишга тушгач, унинг муқобили — Google Health сервисини яратишга янада жиддий киришди.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда нотўғри тиббий ташхис оқибатида АҚШда кунига ўртача 100 киши, Австралияда 25 киши эрта ҳаётдан кўз юммоқда. Яна бир маълумотда айтилишича, агарда турмуш тарзи ўзгартирилса, яъни тўғри овқатланиш ва жисмоний машқлар ҳисобига юрак қон-томир касалликларининг 80 фоизигача, иккинчи даражали диабетнинг 90 фоизигача, саратон касалликларининг ярмидан кўпини олдини олиш мумкин экан. Кўпчилигимиз фақат касаллик ўз ҳукмини суришга киргандан сўнггина бунга эътибор берамиз, аммо унда кеч бўлади...

“Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати”да “ахборот” сўзининг олти хил шаклига таъриф берилган. Бизнингча, қай тарзда сақланиши ва узатилиши ёки ишлов берилишидан қатъи назар, бебаҳо бойлигимиз – соғлиғимиз ҳақидаги ахборотнинг ўрни ва аҳамияти юксалиб бораверади. Ҳар ҳолда бир пайтлар асосан ҳарбий мақсадлар, фазони ўрганиш, банклар фаолиятини такомиллаштиришга кўп куч сарфлаган юқори технология соҳалари мутахассислари бутун инсоният эртаси – унинг саломатлигини муҳофазаловчи, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи қурилмаларни ишлашга жиддий бел боғлаганлиги шундай ҳулоса ясашга ундайди.

## CISCO: трафик таҳлили

Cisco корпорацияси жaxon мобил алоқа трафиғида 2014 йилгача амалга ошириши кутиляётган ўзгаришлар ҳақида тадқиқотлари натижаларини маълум қилди. Чунончи, тўрт йил оралиғида трафик ҳажми 39 баравар ошиши кутиляпти.

2014 йилга бориб тармоққа уланган мобил қурилмалар сони беш миллиарддан ошиб, йиллик трафик ҳажми 40 экзобайтга етади – агар солиштирилса, бу тахминан триллионга MP3 шаклдаги аудиофайлга тенг “огирлик”.

Трафикнинг йиллик ўсиши 108 фоизни ташкил этади. 2014 йил охирига бориб жaxon мобил трафиғи ҳажми ойига 3,6 экзобайт (3,6 миллиард гигабайт)га етади. Бу ўсишларни мутахассислар, биринчидан, мобил видеога бўлган талабнинг ортаётганлиги, иккинчидан, қўл телефоннинг кенг оммалашishi билан изоҳлашмоқда.

Мобил қурилмалар, жумладан, смартфонлар ва ноутбукларга узатиляётган трафиғида мобил видеоконтент етакчи ўрин эгаллайди – 66 фоиз. Агар ўтган йилги натижага солиштирилса ўсиш 60 баравардан ошганини кузатиш мумкин. Корпорация мутахассисларининг таъкидлашларича, бошқа ҳеч бир тоифа контентда бундай ўсиш амалга ошмайди. Трафикнинг 90 фоизи смартфон ва ноутбук эгалари томонидан шакллантирилади.

Худудий трафиғлар ўсиш даражаси асосан Яқин Шарқ ва Африкада юқори – йилга ўртача 133 фоиз. Осиё-Тинч океани минтақасида йиллик 119 фоиз, Шимолий Америкада эса 117 фоизлик кўрсаткич қайд этилади. Мамлакатлар орасида Ҳиндистонни алоҳида таъкидлаш лозим – компютер ва мобил телефонларга узатиляётган маълумотлар ўсиши йилга ўртача 222 фоизни ташкил этади. Кейинги ўринларда Хитой (172 фоиз) ва Жанубий Африка Республикаси (156 фоиз).

2009 йил ниҳояланишида глобал мобил трафик ҳажми ойига 90 петабайт (1 миллион гигабайт)га етди. Шунча маълумотни кўчириш лозим бўлганда 23 миллионга DVD-диск даркор бўларди.

Айни пайтда кенг полосали интернетга уланган смартфон ёки ноутбук фойдаланувчиси ойига ўртача 1,3 гигабайт трафик сарфляпти, яъни 650та MP3-файлга тенг кўрсаткич. Бу фойдаланувчи ойига сарфлаётган трафик 2014 йил охирига бориб 7 гигабайтга етади – 3,5 мингта MP3-файл ёки тахминан мобил телефон экранига мослаштирилган 14та филм.

Умуман олганда, мобил трафик ер усти кенг полосали тармоқларига қараганда 2,4 баравар тез ўсмоқда.



## Тўрт муҳим жихат

IDC компанияси таҳлилчиларининг аниқлашларича, ҳозирги кунда мобил алоқа саноати бозори ҳажми 850 миллиард долларни, унинг глобал телекоммуникациялар бозоридаги улуши 57 фоизни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, мазкур йўналиш энг юқори ўсиш суръатига ҳам эга – 2010 йил охирига бориб бу кўрсаткич 62 фоизга етиши мумкин. Бу натижаларга, биринчи навбатда, фойдаланувчилар сонининг жадал суръатларда кўпайиб бораётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда – 2013 йил охиригача бозор 1,3 миллиарддан ортиқ янги мижозларга эга бўлади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, яқин келгусида мобил саноатда катта ўзгаришларга сабаб бўлувчи тўрт асосий жихат куйидагилар:

1. Овозли мобил алоқа соҳасида нархларнинг пасайиши ва даромаднинг камайиб кетиши натижасида мобил маълумотларни узатиш соҳаси алоқа операторлари учун ҳам, телефон ва қурилмалар ишлаб чиқарувчилар учун ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлайди.
2. Смартфонлар бозорининг асосий дастағига айланади (умумий бозордаги улуши – 15 фоиз). Ривожланган ва ривожланаётган ҳудудларда уларга талаб бир хил бўлади.
3. 2010 йилда мобил амалиёт тизимлари соҳасидаги вазият кескин ўзгаришларга учрайди – улар сони кўпаяди, эски амалиёт тизимлари ва янгилари ўртасида жиддий рақобат бошланади.
4. Мобил кенг полосали алоқа қурилмалари инфратузилмалар соҳасининг асосий маҳсулотига бўлиб қолаверади. Ривожланган бозорлардаги операторлар HSPA, ривожланаётган ҳудудларда эса WiMAX ўрнатилиши давом этади, 2011 йил якунига бориб LTE стандарти асосий рол ўйнай бошлайди.



# Интеллектуал салоҳият сари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили Давлат дастури туғрисида”ги қарориди ёшларни XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган шахслар этиб вояга етказиш кўзда тутилган. Шубҳасиз, бу улуғвор мақсадга эришишда таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш муҳим ўрин тутди. Негаки, амалдаги аср ўз йўналиши бўйича ахборот асри ҳисобланади. Зотан, ҳозир қай бир билим ва ҳунар масканига борманг, айна шу замон нафасига ҳамоҳангликни сезасиз.

Бойсун қишлоқ ҳўжали ва транспорт касб-ҳунар коллежи ҳам шундай янгилашлардан мустасно эмас. Хусусан, коллеж қошидаги ахборот-ресурс маркази қарорда кўзда тутилганидек, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадига мослаштирган. 22 нафар малакали кадрлар бирлашган бу аҳил жамоага Жуманазар Даминов раҳбарлик қилмоқда.

— Ахборот-ресурс марказимиз 29 минг 831та китоб фондига эга, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бу адабиётларнинг асосий қисми мустақиллик йилларида нашрдан чиқарилган. Энг муҳими, китобларнинг электрон вариантларини яратишга астойдил киришганмиз. Ҳозир 100га яқин электрон дарсликлар талаба-ёшлар ихтиёрида. Улар замонавий компютер технологияларидан метёрида ва са-

марали фойдаланишмоқда.

Зиёда Журақулова, Ҳимматхон Болтаева, Манзура Раҳимова каби тажрибали ходимлар коллеж ёшларининг энг яқин кишиларига айланиб қолишган. Муқаррама опа Курбонова ҳам ўзининг сеҳрирра ва ўрناق олса арзигулик фаолияти билан жамоада ҳурмат-эҳтиром қозонган. У ахборот-ресурс марказига келганларга ҳамиша самимий муносабатда бўлади. Китоб таълашда уларга яқиндан ёрдам кўрсатишга ҳар доим шай туради.

Ахборот-ресурс марказида ташкил этилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам коллеж талаба ёшларининг миллий истиқлол ғояси мазмун-моҳиятини англашида ижобий рол ўйнамоқда. Ўтган йили Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарини ўрганишга бағишланган тадбирлар ўтказилди. Коллеж директори ўринбосари Музаффар Қодировнинг таъкидлашича, бундай хайрли ишлар ёш авлодни мустақилликни улуғлаш ва мустаҳкамлашдек эзгу-ниятларга илҳомлантирмоқда.

Коллеж қошидаги ахборот-ресурс маркази шохобчалари туманининг Газа, Даштиғоз, Инқобод, Шўрсой қишлоқларида, туман маркази ва омухта ем таъминоти ташкилотиди ҳам фаолият кўрсатмоқда. Марказ ходимлари бу шохобчалар-



га услубий ёрдам кўрсатиш билан кифояланиб қолишадигани йўқ, балки юқориди тилга олинган каби тадбирларни ташкил этишга кўмаклашишмоқда. Яқинда сўз мулкнинг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари агаб кечалар ўтказилди.

“Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасидаги бундай эътиборга лойиқ ишлар энди, бир-бирига боғланиб бораверди, энг асосийси, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ҳамда рўёбга чиқариш ахборот-ресурс маркази ходимларининг доимий диққат-эътиборида бўлади.

**Нормтожи ЗИЁЕВ,**  
“Хабар”нинг Сурхондарё  
вилоятидаги мухбири

## ИНТЕРНЕТ — ЎҚУВЧИЛАРГА

XX аср охири — XXI аср бошларида инсоният ўзининг глобал ривожланиш палласига кирди. Технологияларнинг мислсиз ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқариш қиёфасини сифатли даражада ўзгартирди.

Тилимизга интернет билан боғлиқ янги-янги сўзлар кириб келди. Улардан бири блог ва блогерлар. АКТнинг ривожланишида бевосита хизмат кўрсатаётган соҳалардан бири бу веб-сайтлар ва блог интернетда ахборотни мунтазам равишда тартибланиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш билан характерланади. Бугунги кунга келиб эса блог нафақат фойдаланувчиларнинг ўз фикрларини ифодалаш воситаси, балки ер юзининг исталган жойидан маълумот олувчи манба, интернетнинг бир бўлаги сифатида шаклланди. Мана шу муҳим мавзу бўйича ўтган ҳафта Андижон вилоятидаги Индуриал-педагогика коллежи ўқувчилари учун суҳбат ташкил этилди.

Суҳбат савол-жавоблар тарзида ўтказилди ва ўқувчиларда катта таассуротлар қолдириши билан бирга, улар ўзлари учун керакли бўлган маълумотларга эга бўлдилар.

Ўз мухбиримиз

ФАКТ

Баркамол авлод йили Давлат дастурига кўра, 2010-2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш дастури ишлаб чиқилади.

# Баркамол авлод тарбиясида “ИНСОН-ЖАМИЯТ” ТИЗИМИ

Баркамол авлодни шакллантириш “инсон-жамият” тизимидаги муҳим ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу тизимнинг ўзига хос муаммолари бевосита инсон, унинг шахсий турмуши билан боғлиқ бўлиб, барча инсоний хислатларни камраб олади. Улар — инсоннинг ахлоқий, илмий ва бошқа кирраларининг ривожланиши, унинг соғлом турмуш тарзи ва руҳий ривожланишини таъминлашдир. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб инсоншуносликка катта эътибор берилмоқда. Инсоннинг жаҳон тараққиётида тутган мавқенига бўлган кизиқиш тасодиф эмас.

Олимларнинг башорат қилишларича, XXI аср инсоншунослик, яъни психология, педагогика, гуманитар ва жамият ҳақидаги фанлар соҳасида катта ихтиролар асри бўлади. Биологик ихтиролар, жумладан, клонлаштириш, генларни ўрганиш ва бошқалар алоҳида индивидни ҳам, жамият ҳаётини ҳам кучли тарзда ўзгартиришга асос яратади. Бу жараён ўз ўрнида шахснинг захирадаги, яширин ва бизга маълум бўлмаган имкониятлари туғрида янги билимларни кашф этади. Демак, инсон ва унинг маънавияти, тарбияси, таълимнинг мазмуни, усуллари ҳам ўзгаради.

Баркамол авлодни шакллантириш энг аввало таълим ва унинг муаммолари билан боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Фақат таълим тизимида инсоннинг ҳаётида ўта зарур бўлган ресурс шаклланади. Демак, инсон жамиятда ўз ўрнини топа олиши, қандай қадриятларга таяниб яшashi кўпроқ таълим сифатига боғлиқ.

Бугунги кунда таълим ва тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири — бу дунёнинг глобаллашуви ва ахборот коммуникацияларининг ривож билан боғлиқ. Глобаллашув, сисёсатчиларнинг таърифи билан айтганда, бу барча мамлакатларнинг ишлаб чиқариши ва ахборот алмашувининг, бутун худудлар, ҳаттоки, қитъалараро алоқаларнинг кучайишидир. Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиётини ахборот

технологияларисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

“Инсон-жамият” тизимининг катта муаммоларидан бири шуки, бугун фан-техника тараққиёти ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожининг суръати инсониятнинг маънавий ривожига туғри келмай қолди. Улар ўртасидаги мутаносиблик йўқолиб бормоқда.

Инсон онги етиштирган нарсаларни маънавий ўзлаштиришда кечикиб қолмоқда. Барча соҳалардаги оддий ёки глобал муаммолар ортда инсон, унинг руҳияти, инқироизи турибди. Одамзод дунё қандай бўлса ўшандай кўра билиш олатини гўёки тарк этгандек.

“Инсон-жамият” тизимидаги баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ муаммо, бу инсоннинг жисми билан боғлиқ. Бекорга “бадантарбия” ибораси пайдо бўлган эмас. Соғлом тан инсоннинг энг буюк қадриятларидан бўлган.

Олимларнинг илмий фаразларига қараганда, инсон жисми ҳам катта ҳавф олдиди турибди. Дунёда 500 боладан биттаси бадандаги нуқсон билан туғилмоқда экан. Бошқа мисол: 100 йиллар аввал шизофрения оғир руҳий касаллик ҳисобланган бўлса, бугун аҳолининг 95 фоизиди бу касаллик симптомларини аниқлаш мумкин экан (“Психология ва педагогика”. Дарслик, Тюмен ДУ нашриёти, 113-бет).

Биз яшайдиган даврнинг энг кўрқинчли ҳавфи — ОИТС касаллигидир. Бу касаллик жуда тез тарқалмоқда. Бугун дунё бу касаллик туфайли ларзага келди, чунки унинг давоси йўқ. Бир қатор тадқиқотчилар бу касалликни одамларнинг биологик ҳаётидаги махсус босқич деб қарасалар, яна бирлари — уни инсоният ўз табиий борлигига, ҳаётидаги табиийлигига ҳаддан ташқари кўп, билиб-билмай аралашувининг натижаси деб ҳисобламоқдалар. Генетиклар эса бунга ўхшаш касалликларнинг ортиб боришидан чўчимоқдалар.

Инсон жисмининг вайрон қилувчи омиллар орасида алкоғолизм (ичкиликбозлик) ва гиёҳвандлик муҳим аҳамият касб этади. Барчага маълум бир факт: алкоғоликлар ичмайдиганларга нисбатан 15-20 йил эртароқ бу дунёни тарк этадилар. Жаҳон бўйича ОИТС ва гиёҳвандлик иллатларини бирга олганда, уларга кўра ичкиликбозлик туфайли кўпроқ инсонлар ҳаётдан кўз юммоқда.

Асримизнинг яна бир иллоти — гиёҳвандлик. Гиёҳвандлик балосига йўлиққан минглаб ёшлар учун уларнинг оиласи, дўстлари, қариндошлари, чиройли ҳаёт, қолаверса, келажак ўз қадр-қиймати ва аҳамиятини йўқотмоқда.

Ҳозирги даврда инсон ва унинг тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам глобаллашуви рўй бермоқда. Уларнинг долзарблги бир қатор омиллар, яъни ижтимоий ҳаётнинг шиддат билан ривожланиши, олинган интилиб бориши, табиатта инсон таъсирининг кучайиши, табиий ресурсларнинг чекланганлигини англаш, ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаётимизга кириб келиши ва бошқалар билан боғлиқ.

**Н.УСМОНОВ,**  
ТАТУ Фарғона филиали  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент



НАВОИЙ

## “Темирковук” даги кулайлик

**“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиалида хар йили туман ва шаҳар почтаси бўлимларининг янги биноларини фойдаланишга топшириш ёки эски биноларни таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.**

“Темирковук” почта алоқаси бўлими ҳам ана шулар сирасига киради. Нурота тумани марказидан 90 километр узоқликда жойлашган олис бўлимлардан бири бўлган бу бино қирқинчи йилларда қурилган бўлиб, кейинги йилларда ниҳоятда таъмирталаб бўлиб қолганлиги сабабли ҳам почта ходимларига, ҳам мижозларга турли ноқулай-

ликлар туғдираётган эди.

Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастурида кўзда тутилган режаларга биноан мазкур қишлоқда яшовчи олти мингдан ортиқ аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида мавжуд эски бинони таъмирлашга “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали томонидан 5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Таъмирлаш ишларини “Усто Муҳаммад” хусусий корхонаси курувчилари сидқидилдан амалга оширдилар.

— Таъмирдан чиққан бинимиз нафақат биз почта ходимлари учун, балки барча ҳамқишлоқларимизга ҳам яхши совға бўлди, — дейди “Темирковук” почта алоқаси бўлими бошлиғи Ҳайдар Давронов.

Аҳолига почта хизматлари кўрсатиш билан бир қаторда, коммунал тўловлар хизматини ҳам амалга ошираётган алоқа ходимларига таъмирланган бино янги куч ва ғайрат бағишлаши табиий.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
“Хабар”нинг Навоий вилоятидаги мухбири

ФАРҒОНА

## Коракушчилик алоқачилар

**“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали Коракушчи почта алоқаси тармонининг хар бир аъзоси зиммаларидаги масъулиятни хис этган холда меҳнат қилишмоқда.**

Чунончи, ўтган 2009 йилда тармоқ даромад режасини ошириб адо этди. Жумладан, нашрлар сотуви бўйича режа 130 фоизга, нафақа тўловини тарқатиш 104, жўнатмалар 129, қўшимча хизмат кўрсатиш даромади 132,5 фоизга ўзгариб кетди. Режаларнинг бажарилишида тўртта қишлоқдаги 16та бўлим ишчи-хизматчилари астойдил меҳнат қилдилар. Айниқса, марказий почта амалиёт зали оператори Қимматхон Мамадалиева, Оқтепа, Болтақўл, Бешкапа бўлимлари бошлиқлари Лобархон Асқарова, Улугбек Абдуллаев, Таваккал Ҳақимовлар раҳбарлигидаги ходимларнинг улуши катта бўлди.

2010 йил даврий нашрларга обуна режасини зиёда билан адо этилишида Қоражйида, Ўқчи, Эшонгузар, Бешкапа, Болтақўл қишлоқ почта алоқаси бўлимлари хабарчилари Ботирали Нуридинов, Иномжон Охунув, Икромжон Ҳамзаев, Аъзамжон Юнусов, Холматжон Саломовлар бошқаларга ўрناк бўлдилар.

Жамоада замонавийликка интилиш, ходимлар ва мижозларга мақбул кулай шароит яратиш асосий вазифа ҳисобланади. Илғор жамоа ҳўжаликлари ташкилот ва корхоналари ҳисобидан бўлган почта бўлимлари бинолари тармоқ балан-

сига ўтказилиб, ўз кучлари билан жорий таъмирдан чиқарилди.

Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Сармозор, Раввош, Лангар қишлоқларида янги алоқа бўлимлари ташкил этилиб, зарур мебел жиҳозлари билан таъминланди. Бу хайрли ишга Охунбобоев тумани ҳокимлиги амалий ёрдам берди.

Тармоқ ихтиёридаги “Дамас” ва “Тико” енгил автомашиналари аҳолига сифатли почта хизмати кўрсатяпти. Ўтган даврда факс, электрон ўтказмалар, хориж мамлакатлардан пул ўтказмалар, PAYNET, мобил телефонлари учун ҳақ олиш сингари қўшимча хизмат турларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, соҳа ходимлари табиий газ, электр энергияси, сув ҳамда бошқа коммунал тўловлар йиғини бўйича намунали хизмат кўрсатяпти.

Тармоқда 78 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар учун етарли шароит яратилган. Чека ва олис манзилларда ишлаётган саккиз нафар хабарчи велосипед билан таъминланган. Ёз фаслида тармоқ ходимларининг 21 нафар фарзанди Фарғона туманидаги “Хумо” болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олди.

Тармоқнинг 17 нафар почта алоқаси бўлими бошлиғи вилоятда бир ҳафта мобайнида, тармоқ раҳбари Обиджон Мирзаев, операторлар Мухтасар Абдуллаева, Қимматхон Мамадалиевалар Тошкент шаҳрида электрон пул ўтказмалари бўйича ўқиб келишди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

СУРХОНДАРЁ

## Меҳнат жамоалари конференциялари

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиали, “Сурхондарё Телеком” филиали, вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси ҳамда “ЎЗИ-Термиз” филиали жамоаларида жамоа шартномалари ижросига бағишланган конференциялар бўлиб ўтди. Унда инсон манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ҳуқуқий ҳужжатда кўзда тутилган вазифалар атрофида муҳокама этилди. Маълум бўлдики, вилоятдаги бу тўрттала алоқа корхонасида ҳам жамоа шартномаси бандларини бажариш, шу орқали иш унуми ва сифатига эришишга ҳаракат қилинган.

Айниқса, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиалида меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий имтиёзлар масаласига асосий эътибор қаратилди. Натижада бахтсиз ҳодисалар олди олинди. Йил давомида меҳнат таътилига чиққан ходимларга қарийб 85 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди, жамоадаги баъзи кам таъминланган оилалар қўллаб-қувватланди. Ходимларнинг 193 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб қайтишди.

“Сурхондарё Телеком” ва “ЎЗИ-Термиз” филиалилари ҳамда вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси меҳнат жамоаларининг конференцияларида бу каби ижобий ишлар тилга олиб ўтилди, шу билан бирга, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиали ва “Сурхондарё Телеком” филиалларида хизмат кўрсатиш бозорини чуқурлаштиришга, “ЎЗИ-Термиз” филиалида эса болаларни ёзги дам олиш масканларига қўпроқ жалб этишга эътиборни оширишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Ўз навбатида, вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси шохобчаларини аҳоли гавжум жойларга ўрнатишга тўсқинликлар бўлаётганлиги юзасидан ҳақли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бўлиб ўтган конференцияларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоев, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Гулом Норматов, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси раиси Ашурали Даминовлар иштирок этишди.

**Нортожи ЗИЁЕВ,**  
“Хабар”нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

БУХОРО

## Ҳисобот

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бухоро, “Ўзбектелеком” АК “Бухоро Телеком” филиаллари ҳамда вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонасида ҳам жамоа шартномаларининг бажарилиши бўйича 2009 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишлари ўтказилди.

Ушбу корхоналарда тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан “Бухоро Телеком” филиали директорининг ўринбосари О.Бобомуродов, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бухоро филиали директори Ш.Халилов, “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси директори А.Ҳазратқуловларнинг маърузалари тингланиб, ўз навбатида, корхона ва филиаллар касабга уюшмаси кўмиталари раисларининг ўтган давр ичида амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботлари ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши раисининг ўринбосари Э.Юсупов сўзга чиқиб, алоқа ва почта соҳаси ходимлари, барча ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоа шартномаларидаги бандлар тўлиқ бажарилиши учун касабга уюшмаси фаоллари ва етакчилари янада жонқуярлик кўрсатишлари, айниқса, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалалари бўйича белгиланган имтиёз ва кафолатлар доирасидаги вазифалар ижросига алоҳида ва жиддий эътибор бериш зарурлигини таъкидлади.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
“Хабар”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

САМАРҚАНД

## Семинар-тренинг

А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида “Кутубхоначилик дастурий таъминоти (KaDaTa v.2.0) тақдимоти” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда вилоятдаги олий ўқув юртлири, касб-ҳунар таълими, ҳалқ таълими бошқармалари тасарруфидидаги АРМларда ишлайдиган ходимлар қатнашди.

Барча мавзулар экранда намойиш этилиб, муҳокама қилинди. Иштирокчилар сўровномалардан иборат анкета саволларига жавоблар ёзиб “KaDaTa v.2.0” дастури билан амалий танишилди.

**М.КУЛОВА,**  
АКМ илмий-услугият бўлими мудири



## Аждодларга мухаббат

Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида Республика маънавият тарғиботи маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда Алишер Навоий ҳамда Бобур таваллуди муносабати билан “Аждодларга буюк мухаббат” мавзuida адабий мусиқали кеча ўтказилди. Тадбирда Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей талабалари ҳамда халқ таълими бошқармаси та-

сарруфидаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчилари қатнашдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, шоира Хуршидабону очди ва ўқувчиларга Навоий ҳамда Бобур ҳаёти ва ижоди, уларнинг бизга қолдирган бой ижодий мерослари ҳақида қизикarli маълумотлар берди. Тадбирда вилоятимизнинг шоир ва ёзувчилари Навоий ва Бобур ғазалларига ёзган мухаммаслари билан дилларни қушнуд этдилар.

Ўқувчиларнинг Навоий, Бобур ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи сахна кўринишлари тадбирга ўзгача файз киритди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ходими Анваржон Нурматов тадбирда сахна кўринишлари ва ғазалларни маҳорат билан ижро этган фаол ўқувчиларга эсдалик совғаларини топширди.

**С.ЗАЙНАБУТДИНОВА,**  
Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази сектор мудири



Ташкент ахборот технологиялари университетининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор

Неъматилла Мўминов яқинда 70 ёшга тўлади. Домла узок йиллардан буён ёш авлодга илм бериш, ёш олимларга устозлик қилишдек шарафли меҳнат билан бирга, адабиётга ошно калб эгасидир. Хикоя, кисса, шеър ёзиш домланинг севинми машғулот. Қўйида Н.Мўминовнинг шеърини машқларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### ФАРИШТА

Бу оишқ қалбимнинг чироғи сенсан,  
Илҳомим чашмаси — булоғи сенсан,  
Дилга нақш этганман сулув номингни,  
Азизим, кўзларим қароғи сенсан,  
Сенсиз яшолмайман бир кун ҳам,  
Ҳаётим, бахтимсан, фариштам.

1972 йил

### СУВ ПАРИСИ

Мафтун этдинг бир кўринишида,  
Ажиб латофатинг, боқошинг билан.  
Хур фикринг, одобинг талпинишинг-у,  
Қалба ишқ оловин ёқишинг билан  
Оромим йўқотдинг балқошинг билан.  
Сувдаги паридек қалқошинг билан.

1970 йил

### СИЗСИЗ...

Вужудим оғриси давоси сизсиз,  
Тўхтовсиз ўйларим асоси сизсиз,  
Кеча-кундуз бедор уйқум қочирган  
Мажнунсифат бўлдим, боиси сизсиз.

Сиз деб кунларимнинг ҳаловати йўқ,  
Нетай, севгингизнинг саховати йўқ.  
На бўлар охири бундайин ишинг.  
Дарди йўқ кесакдек жимиб ётишинг.

Жон ҳам қийноқлардан кетди эзилиб,  
Кўз ёшим юзимга оқар сизилиб  
Жоним, бу ҳолимни кўриб ҳайронман  
Наҳот, гул кўнглингиз кетмас бузилиб...

1961 йил

## Ғазалхонлик кечалари

Республикаимизнинг барча жойларида бўлгани каби Ташкент ахборот технологиялари университетида ҳам номлари тарих зарварларига олтин ҳарфлар билан битилган буюк боболаримиз — Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари кенг нишонланмоқда.

Ғазалхонлик кечаларида иқтисод ва бошқарув факултети ўзбек ва рус тиллари кафедраси-

нинг катта ўқитувчиси А.Хусанова, ўқитувчилар З.Ражапова, Н.Юланова, К.Ғаюбовалар ҳамда талабалардан Б.Бозоров, Р.Саъдуллаев, К.Нуримова, Д.Имомовалар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Ўқув гуруҳларида ғазалхонликлар давом этмоқда.

**Нигина ҒАЙРАТОВА,**  
ТАТУ “Ахборот” клуби аъзоси

## Ҳаммамиз масъул

Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Лекин, бола тарбиясига нотўғри ёндашув оқибатида турли фавқулодда вазият ва ёнгинлар юзага келиши мумкин.

Айниқса, болаларнинг гугурт ёқиб, олов билан ўйнаши кўпинча ёнгинга олиб келади. Носоз, кўлбола газ ускуналаридан, газ плитаси, иситиш ва электр плиталаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида юз берган катта талафотларни кўп маротаба учратганмиз.

Ота-оналар ўз вақтида фарзандларига руҳсатсиз гугурт ва учқун чиқарувчи моддалардан ўйинчоқ сифатида фойдаланиш мумкин эмаслиги тўғрисида тушунтириш бермайдилар. Натижада кўнгилсиз воқеалар юзага келади.

Бошқа барча тармоқларда бўлгани каби халқ таълими тизимида ҳам фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш жуда долзарб тарбиявий ва тарғибот ишларидан ҳисобланади. Ўқувчиларда ёнгиндан сақланиш, ёнгиннинг олдини олиш борасида бирламчи кўникмани шакллантириш лозим.

Усиб келаётган авлодни ҳар жиҳатдан барқамол, соғлом ва билимли этиб тарбиялаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг содир бўлиши олдини олиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга ўргатиш ҳозирги вақтда турмушнинг муҳим вазифаси бўлмоғи зарур.

Асқар ХОЛМУМИНОВ

**ЭЪЛОН!**

**Ташкент ахборот технологиялари университетининг қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади.**

**Катта ўқитувчилар:**  
Ўзбекистон тарихи — 1; Фалсафа — 1; Алоқа қурилмалари электр таъминоти — 1; Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1; Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1; Олий математика — 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**  
Информатика ва компютер графикаси — 1; Электроника — 1; Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Ташкент шаҳри,  
Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел: 238-64-06.

**Давлат алоқа инспекцияси**

**Ўз манзили ўзгарганлигини маълум қилади:**  
100019, Ташкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, Марказ 17/18, 240-ЭАТС.  
Қабулхона телефон рақами:  
234-41-18, факс: 233-71-09.

**Давлат алоқа инспекцияси маъмурияти**

**“O‘zimpexsaloga” ЁАЖ 2010 йил 5 февралдан почта манзили ўзгарганлигини маълум қилади.**

Янги манзил:  
100084, Ташкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 7а уй.  
Телефонлар: 150-19-85, 150-19-86, 150-19-88. Факс: 150-19-87.  
E-mail: uzimpex@inbox.uz

**“O‘zimpexsaloga” ЁАЖ маъмурияти**

## Табриклаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоғистон филиали Нукус тумани почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ бошлиғи Клара МУСАҚУЛОВАни тугулган кунини муносабати билан табриқлайди. Унга узок умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Бешариқ ва Кўкжон почта алоқаси тармоқлари ходимлари Дилоромхон ҒАНИЕВА ҳамда Усмонали ЭГАМБЕРДИЕВларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин дилдан қутлайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, фарзандлар камоллини кўришликни тилайди.

“Қорақалпоқ Телеком” филиали жамоаси линия электромонтёри Амет УТЕМУРАТОВни 55 ёши билан табриқлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узок умр, оилавий бахт-саодат тилайди.

“Наманган Телеком” филиали жамоаси Чуст телекоммуникациялар боғламаси ходими Муслиддин УЛУҒХУҶАЕВни қутлаб 55 ёши билан табриқлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий бахт ва меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

### Бекор қилинди

Ташкент ахборот технологиялари университети томонидан 340-06 МАТУ гуруҳи талабаси Афзал Турсуновга берилган 36 МА 297-сонли талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



**БАДИЙ ГИМНАСТИКА**

**ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ОЛТИН!**

Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бадий гимнастика бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси жамоавий беллашувлар бўйича дастлабки олтин медални қўлга киритди.

Мусобақа қондасига биноан жамоавий беллашувлар голиб ва совриндорлари ҳар бир жамоадан яққаликлар ўртасида кўпқураш баҳсларида қатнашган уч нафардан спортчининг аргамчи, ҳалқа, тўп ва булавада бажарган композицияларда тўплаган баллари бўйича аниқланади.

Унга кўра, икки кун давом этган баҳсларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Азиза Мамажоновна, Сарвина Холиқова ҳамда Ҳусниябону Фуломова гимнастиканинг тўртта предметида бажарилган машқлар бўйича энг юқори натижани қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Спортчиларимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.



**ЮНОН-РУМ КУРАШИ**

**Хамюртларимиз халқаро турнир шохсупасида**

АҚШда юнон-рум кураши бўйича ўтказилган халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Япония, Хитой, Болгария, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Греция, Арманистон, Венесуэла ва Канададан юз эллик нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашди.

Юртимиз шарафини ҳимоя қилган Элдор Ҳафизов 55 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб ва мавсумдаги дастлабки олтин медални қўлга киритди.

Ўтган йили ёшлар ўртасида жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган Азизбек Муролов 74 килограмм вазн тоифасида кумуш медал билан тақдирланди. Оғирлиги 66 килограмм бўлган юнон-рум курашчилари беллашувда ҳамюртимиз Равшан Одилов учинчи ўринни эгаллади.

**ФУТБОЛ**

**«Хоразм» — ЎзПФЛ кубоги-2010 соҳиби!**

Ўзбекистон футбол федерацияси сунъий қопламали майдонида бўлиб ўтган ЎзПФЛ кубоги-2010 финалида «Хоразм» клуби «Бунёдкор»нинг ўринбосарлар жамоасига қарши баҳс олиб борди.

14-дақиқада Вали Султонов шогирдлари ҳисобни очишди, Владимир Гаврилов голга муаллифлик қилди. Орадан кўп ўтмасдан ёш бунёдкорчи Дониёр Ҳасанов ҳисобни тенглаштирди. Бўлим охирида Комил Жўраев ҳисобни 2:1га етказди. Иккинчи бўлимда дарвозаларга бошқа тўп киритилмади.

**ФУТЗАЛ**

**«Ардус» — Ўзбекистон кубоги соҳиби!**

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон кубоги финали бўлиб ўтди. Унда пойтахтнинг икки жамоаси голиблик учун баҳс юритди. Учрашув асосий ва қўшимча вақти 3:3 ҳисоби билан яқун топди. Пеналтилар сериясида кўп қарра мамлакат чемпиони — «Ардус» футзалчиларининг қўли баланд келди.

«Бунёдкор» — «Ардус» — 3:3. Пеналтилар бўйича — 3:4.

**Ўтганларнинг охираги обод бўлсин**

«Электромагнит мослашув маркази» ДУК жамоаси корхонанинг техник бўлими бошлиғи Д.Мануиленкога отаси

**Е.МАНУИЛЕНКО**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

**ЖАҲОН СПОРТИ**

**Олимпиадада медаллар учун кураш кизгин**

13 феврал куни ХХІ Қишки Олимпия уйинларининг очилиш маросими ўтказилди. Тўрт соатга чўзилган очилиш маросими биринчи бор ёпиқ стадионда бўлиб ўтди. Уни 60 минг томошабин бевосита стадионда кузатди.



Мусобақаларнинг беш кунлик натижаларига кўра медаллар учун кураш кизгин тус олган. Ҳозирча, кучли ўнлик қуйидагича кўринишда:

Жамоалар	Олтин	Кумуш	Бронза
1 АҚШ	4	3	5
2 Германия	3	4	2
3 Жанубий Корея	3	2	0
4 Швейцария	3	0	1
5 Канада	2	2	1
6 Франция	2	1	4
7 Швеция	2	0	0
8 Норвегия	1	2	2
9 Россия	1	1	1
10 Хитой	1	1	1

**Европада кучлилар кураши**

Сешанба ва чоршанба оқшомида Европа яшил майдонларида ЕЧЛ 1/8 финалининг илк учрашувлари ўтказилди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди:

**МИЛАН — МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД — 2:3**

**Голлар:** Роналдини (3), Зеедорф (85) — Скоулз (36), Руни (66, 74).

**ЛИОН — РЕАЛ — 1:0**

**Гол:** Макун (47).

**БАВАРИЯ — ФИОРЕНТИНА — 2:1**

**Голлар:** Роббен, 45 пеналти (1:0); Кролдруп, 50 (1:1); Клозе, 89 (2:1).

**ПОРТУ — АРСЕНАЛ — 2:1**

**Голлар:** Варела, 11 (1:0); Кэмпбэлл, 18 (1:1); Фалкао, 51 (2:1).



**Гус Хиддинк Туркия термасини бошқаради**

Россия терма жамоасининг амалдаги бош мураббийи Гус Хиддинк июн ойида шартнома муддати тугаши билан Туркияга йўл олади. Голландиялик машҳур мураббий 1 августдан бошлаб Туркия терма жамоасини бошқаради. Шартнома «2+2» шаклида тузилган.

**Кучлилар жанги**

Профессионал бокснинг ярим ўрта ва биринчи оғир вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони, айна пайтда супероғир вазн тоифасида иштирок этаётган полшалик Томаш Адамек (40-1-0, 27 КО) америкалик Крис Арреола (28-1-0, 25 КО) билан 24 апрел куни жанг ўтказишга келишди.

**Xabar**

**МУАССИС:**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

**Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

- Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
- Бахтиёр КУБЕЕВ
- Шомансур ОБИДУЖАЕВ
- Миродил САНГИЛОВ
- Шухрат СОДИҚОВ
- Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
- Асаджон ХҲҲАЕВ
- Рустам ҚОСИМОВ
- Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 233-36-48; 236-35-29. Факс: 236-36-42. E-mail: info@xabar.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлашини мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал —** Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Манзил:** Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

G-102 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18897 нуска.

Баҳоси келишилган нарҳда. **Обуна индекси — 228.**

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5





# Дам олим саҳифаси



➔ O'ZBEKISTON DURDONALARI

Жаннатмонанд юртимизда тарихий ёдгорликлар кўп. Тиллакори мадрасаси ўзининг нафис ишлов берилганлиги, ноёб нақшлари билан улар ичида алоҳида ажралиб туради. Мазкур мадраса Самарқанддаги меъморий обида бўлиб, Регистон ансамблида жойлашган.

Улуғбек даврида бунёд этилган Мирзойи карвонсаройи ўрнида 1641-1646 йилларда Самарқанд ҳокими Ялангўшбий Баҳоидир мадраса ва жомеъ масжид қурдирган. Карвонсарой асоси устига мадраса, ҳужралар ўрнида пештоқ гумбазли масжид қад ростлаган бўлиб, у дастлаб "Ялангўшбий мадрасаси" деб номланган. Кейинчалик масжид безагида кўп миқдорда олтин сарфлангани учун "Тиллакори" деб юритила бошланган.

Энди "тиллакори" сўзининг луғат

вий маъносига эътибор берсак. Бу сўз форс тилида "тилла билан ишланган" деган маънони билдиради. Амалий безак санъатида эса буюмларни безатиш усули, зарҳаллашга ай-

ёзувлар билан ёғоч ўймакорлигида пардозланган бу гўзал мадрасанинг ҳовли саҳнасига мрамар ётқизилган. Атрофдаги ҳужралар ёз кунлари ҳам салқин бўлади.

Тиллакори меъморий обида-си серҳашамлиги билан бошқа мадрасалардан алоҳида ажралиб туради.

Ўтган йиллар мобайнида мадраса бир неча марта таъмирланган бўлиб, 1817 йилда Амир Ҳайдар буйруғи билан зилзиладан зарар кўрган гумбазли пештоқини қайта тиклаш жараёнида шакли бузилган. 1885 йилдаги таъмирлаш вақтида эса зарҳал нақшлар оддий бўёқлар билан алмаштирилган.

Мустақиллик йилларида мадраса ўзгача чирой касб этиб, одамларнинг сеvimли зиёратгоҳига айланди. Уни томоша қилаётган меҳмонлар эса аждоқларимиз заковати, билими олдидан ҳайратга тушадилар.

## Тиллакори тилладанми?

тилади. Тиллакорида олтин парчалари эритилиб, буюмлар сиртига едирилади.

1970 йилда усталар Тиллакори мадрасасида йўқолиб кетаётган бетакрор зарҳал нақшларни илмий асосда ўргандилар ва қайта тикладилар. Қайта куриш жараёнида мадрасанинг Регистонга қараган пештоқи Шердор ва Улуғбек мадрасалари билан мослаштирилди.

Эшиклари мураккаб нақш ва

➔ BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

## Z3 ni kim yaratgan?

Бугунги кунда компютерлар инсоннинг энг яқин ёрдамчисига айланган. Ҳисоб-китоб дейсизми, китоб ёзиш, газета чиқариш — ҳамма-ҳаммаси шу ақлли машиналар зиммасида. Агар компютернинг яратилши тарихи билан қизиқиб кўрган бўлсангиз, бизнинг қўйидаги саволимизга оsonлик билан жавоб топишингизга аминмиз:

**Замонавий компютернинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этган илк ҳисоблаш машинаси — Z3 қачон ва ким томонидан яратилган?**



➔ BILASIZMI?

### Энг узун дарё

✓ Машҳур "Mercedes-Benz" автомобили номи автомобиллар сотувчиси Эмил Желниникининг қизи Мерседес шарафига қўйилган.

✓ Дунёдаги энг узун дарё Африкадаги Нил дарёсидир. Унинг узунлиги 6671 километр.

✓ Ақуланинг 250дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, шундан 12 туригина инсон учун хавфли ҳисобланади.

### Ҳикмат

Сукут - саломатликни,  
яхшилик - иззат ва обрўни,  
сахийлик - улугликни келтиради.



## "Kilgi.NET"

Компютер фирмаларидан бирининг кафолат бўлишига бир йигит кириб келди:

- Салом! Мен кеча сизларга "хотирам"ни топшириб кетгандим.
- Айнан кимга топширган эдингиз?
- Эслолмайман.

Қизалоқ онасидан сўради:

- Ойижон, сочлари ўсган, кўзлари қизил бу амаки ким?
- Қизалоғим, бу сенинг даданг.
- Нима, у касалми?
- Э йўқ, у интернетга уланди.

Дастурчи тилла балиқ туптиб олди, балиқ тилга кирди:

- Тилагингни айт.
- Бутун дунёга тинчлик истайман!
- Йўқ, бу жуда мушкул.
- Майли, унда Windows 98 рисоладагидек ишласин.
- Менга қара, бутун дунёга тинчлик истайман дедингми?..

➔ SIZ QANDAY IZOHLAYSIZ?



ЯНА ПОЧТАНГА КИРИБ КЕТИНГИМИ?



### ГАЗЕТХОНЛАР ИЗОҲЛАРИ:

— Келинлар оғайнилар, бир пас оёқни чигилини ёзамиз.

**Б.ЭШМИРЗАЕВ**  
Қашқадарё вилояти

— Қани эди, ҳар кунни тушликка бугунгидай кўп балиқлардан бўлиб турса...

**М.ТУРОБОВА**  
Сардарё вилояти

➔ GULLAR TARIXI

Чиннигуллар 2000 йиллик тарихга эга бўлиб, унинг 300 хил тури мавжуд. Чиннигуллар йил давомида гуллайди. Ушбу барча учун сеvimли гуллар билан боғлиқ тарихий саналар жуда кўп учрайди.

Атиргулнинг асл ватани Эрон ҳисобланади. Руминиянинг Каукс шаҳридаги Напака ботаника боғида атиргулнинг ҳеч қаерда учрамайдиган тури — кўк ранглиси ўстирилади.



Архидея гулининг 700 хил тури мавжуд. Тарихчиларнинг маълум қилишича, Архидея XIX асрга келиб, Англияда гул сифатида сотила бошланган. Бугунги кунда ушбу гул хоналарда ҳам ўстириляпти.



### Фойдали маслаҳатлар

● Гўштни музлаткичга қўйишдан олдин, албатта, целлофанга ўранг. Гўштни музлаткичга ювмасдан қўйинг. Шунинг ҳам ёдда тутингки, гўшт қанчалик секин музласа, унинг таркибидagi фойдали моддалар кўпроқ сақланади.

● Қуритилган кўзиқоринни ишлатмоқчи бўлсангиз, аввал яхшилаб эзиб олинг. Шунда мазалироқ бўлади. Янчилган кўзиқоринларни турли бутқалар, салат ва таомларга қўшиб тановул қилиш мумкин.

● Турпдан тайёрланган салатга ўсимлик мойида бироз қовуриб олинган пивё қўшилса, мазалироқ бўлади. Қирғичдан ўтказилган турп ва сабзига майонез қўшилса, янада хуштаъм бўлади.

"АЁЛЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ" ДАН

